

диш унч бутун куч-тайрлар-
рини сарфлагша даяат этди-
лар.

Кенгашда Узбекистон Рес-
публикаси Вазирлар Махкам-
аси раисининг биринчи ўрин-
босари И. Х. Жўрабеков нутқ
сўзлади.

Кенгаш ишида Узбекистон
Республикаси Президентининг
давлат маслаҳатчиси М. Умур-
зоков қатнашди.

**П. МИШОНОВ,
Г. КОВАЛЬ.**
УзА музбирлари.

Муборак Наврўзи жасузон



Ўзлигимиз кўриги

Чўлға баҳор келди. Ён-атроф кўм-кўк майсаларга, гулларга бурканмоқда. Бу йил насиб этса эгзу ниятда барпо этган боғлардаги, томорқалардаги меваги дарахтлар ҳосил беради. Одамларга меҳр ва ҳавас билан тикилган, Уларнинг қалблари кўнongan, ҳаяжонга тула, Наврўзи олам ҳаётимизга кўрк бағишлади. Унутилмас кунга бу йил ҳар қачонгидан яхши тайёргарлик кўрдик.

Наврўзга бағишланган шанбалик чўлқуварларнинг анъаналарга, танлаб олинган йўлга содиқ эканликлари яна бир қарра намойиш этиди. Ҳашар чинакам меҳнат байрамига айланди. Боғларда, далаalarda, фермаларда, устaxonларда меҳнат қўшиги баралла янгради. Қарийб 27 минг киши фаол иштирок этиди. Район ҳокимлиги пахтачилик билан бирга боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларни бирдек ривожлантиришга алоҳида эътибор берапти. Шу боис фахримиз, суянган тоғларимиз бўлмиш отахонлар боғчиликда 13 март кунни 25 минг туп манзарали, 10.400 та меваги, 60 мингдан ортиқ тоқ кўчталарни ўтказилди. Бозор иқтисодиёти бизнинг ўзимиз зарур нарсалар билан таъминлашга ҳаракат қилишимиз керак. Президентимиз фармонлари шарофати билан кўпчилик оятларга янги уй-жойли, томорқалар бўлиши. Бунёдкорлик ишлари бўшаптириладигани йўқ. Аммо кўрилиш материаллари танқисий бизда ҳам сезилмоқда. Нурунийлар ота-боболаримизнинг азалий удумига амал қи-

либ, теразорлар барпо этишни таклиф қилишганида бажонидил рози бўлди. Ҳашар кунни йўл четларига ҳамда маҳсул ақратилган майдонларга 165 мингдан ортиқ терак кўчталари ўтказилди, тузторлар барпо этилди.

Саховатли далаalarda экин-тикин ишлари қизғин бошлаб юборилди. Жорий йилда Мирзачўл райони бўйича 1.217 гектарга беда, 503 гектарга галла, 1.233 гектарга маккажўхори, 110 гектарга лавлаг экин режалаштирилган. 13 мартда катта майдонларга беда ва маккажўхори экилди. Шанбаликдан ишлаб топилган маблагнинг асосий қисми Наврўз тантаналарини ўтказишга ҳамда ёрдамга муҳтож кишиларга сарфланади. Биз меҳнаткашларни ижтимоий ғимоялаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпмиз. Айниқса уруш ва меҳнат фахрийлари, етим-есирлар, ногиронлар, байналмилалчи-жангчилар ва уларнинг оилаларига алоҳида ғамхўрликлар кўрсатишмоқда. Наврўз тантаналари кунлари маҳсул рўйхатга олинган кишиларга эсалик совғалари, мадад пуллари топширилади, айримларининг уйлари таъмирланади. Касалхоналарда даволанаётган беморларни албатта йўқлаб, уларнинг кўнглини овлаймиз.

Наврўз кишиларга қанчалик қувонч, завқ-шавқ бағишлаганини кўриб ўзимча фикр қиламан: 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида кўнглимизни пуч ёнгоққа тўлғазиб келишди. Чўлқуварлар эгзу ниятни дилга жо қилиб, ўзларини аямал меҳнат қилдилар. Ҳар йили Ватанга минг-минг тоналал оқ олтин арумгон этидилар. Афсуски, заҳматли меҳнатларининг роҳатини кўришмади, бирлари икки бўлмади. Бонси бебаҳо бойлик — пахтага арзимаган ҳақ тўланди. Хурматли Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деб номланган китобларда таъкидлаганларидек, бундан тўрт-беш йил олдин одамлар пахтадан беизб қилинган. Сабаби шуки, Ўзбек пахтасини кимгадир қаеққандан олиб бориб, кейсидир нархда кимгадир сотиш пайида бўлишарди. Мустақиллик шарофати, Президентимиз бошлиқ республика раҳбариятининг инсонпарварлик сийсати тўғрисида деҳқон кўнглига шомол теги. Ўзбек халқи пахтасини ўзи сотиб, фойдасини ҳам ўзи олипти. Умуман ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илҳизи халқимизнинг маънавий уйғонишидир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-хўққлари тиклангани, қанқий ўзбекистон урф-одатларимизнинг ҳаётдан мустақам ўрни олаётгани, қадриятларимиз ўз ўрнини топаётгани одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошладилар. Наврўз тиклангани, ҳайитлар тиклангани, ҳажга кенг йўл очилгани энг улус, савобли ишлардир. Миллий маънавий қадриятларини юксалтириш борасида республикада, ҳусусан, районимизда яхши тадбирлар амалга оширилмоқда.

Районимизда 20 га яқин миллат ва элат вақиллари яшаб меҳнат қиладилар.

Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, корейс, армани, немис, бошқир, молдован мустақиллигимизни мустақамлашга муносиб улус қўшимоқда. Алоҳида таъкидлаш керак, Ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносабати ҳамиша ижобий бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ёнма-ён, елкама-елка туриб ишлаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш маънавий бурчга айланган. Дўстлик нималарга қодир эканлигини пахтачилик мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили фидойилик, япши сафарбарлик тўғрисида давлат оқ олтин топириш борасида илдам қадамлар қўйилди. Техникадан унумли фойдаланилди. Режадаги 45.700 тонна ўрнига 46.225 тонна қимматли хом ашё тортиқ этилди. Заршунослар чигит кишига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Мавжуд техника сифатли соҳилда. Далага ўнг чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа тадбирлар уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Шубҳа йўқ, Наврўз байрами тантаналари районимизда уюшқоқлик, эзу шоду хуррамлик билан ўтказилди. Ўйингоҳларга, хушманара ерларга ўтовлар тикилади, саҳналар ўрнатилди. Турли миллат вақиллари ўз санъатларини, пазандилиklarини намойиш этидилар. Тантана иштирокчилари наватма-нават ўтовларда бўлиб, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа миллат вақилларининг санъати, таомлари, урф-одатлари билан яқиндан танишдилар. Таомлар кўриги ўтказилди. Қолибларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Шунингдек, ўтовлар, маҳсул уйлари беэаида намуна кўрсаткичлар ҳам муносиб тақдирландилар. Меҳмонларимиз ялғиз, исмалоқ ва бошқа неъматлардан тайёрланган сомсалар, бешбармоқ, гўжа каби таомларимиздан баҳраманд бўлиб, албатта хушнуд бўладилар. Бу йилги савдо ярмаркасида кенг асортиментда халқ истеъмолчи моллари чўлқуварларга тавсия этилди. Бадий ҳаваскорлик дасталари ҳам катта синовдан ўтадилар. Албатта Наврўзи сумалекис тасаввур этиб бўлмайди. Бизда бу аjoyиб шифобахш неъматни тайёрлашга уста бўлган молларимиз кўп. Уларнинг чигитлари тантаналарга ўзгача фойз бағишлайди. Сайларда даққи хўролар, кўчорлар уриштириш, узоқ, полвонлар мусобақасини ўтказиш каби тадбирлар ҳам одамлар кайфиятига кайфият қўшади. Умуман, ўзлигимиз кўриги бўлмиш Наврўзи олам шодликларини бир умрга эсда қолдирган қилиб ўтказамиз.

Яна таъкидлаш керак, отахонлар бизнинг бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Ҳар йилда улар бизга бош-қош, мадад қилишлар. Шу ўринда уларнинг айримлари ҳақида ҳурмат билан тўхталмоқчиман. Мирзачўлда қишлоқ Кенгаши ҳудудда истикомат қилаётган Спатай Минтаев юрт оғаларидан бири. У узоқ йил Абай номи давлат хўжалиқга директорлик қилди. Омиқдор, таъкилотчи, деҳқончилик илмини яхши биладиган

мутахассис сифатида катта обрў-эътибор қозонди. Эндиликда меҳнат фахрийси сифатида хайрли ишларга бош-қош бўлапти. Тўю тантаналар ақл билам, замонга хос, даврга мос равишда ўтказилмоқда. Спатай оға Наврўз байрамини намунали ўтказиш юзасидан яхши тақдирларни ўртага ташлаганди. Улар маъқулланди.

Ипак йўли қишлоқ Кенгашидан Абдуғаффор Сардор ва Мизон Қозиевларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Нурунийлар жоноблиги тўғрисида муаммоларни жойида ҳал этишга эришяпмиз. Районда 109 нафар уруш иштирокчиси, 131 нафар байналмилалчи жангчи, 22 нафар Чернобыль фожияси оқибатларини тугатишда иштирок этган марду майдон кишилар бор. Бугун улар қалбимиз тўрида. Меҳримиз, ҳурматимиз, барча эгзу ниятларимиз шу табарруқ инсонларгадир. Инсон омилига эътибор кучаяётганлиги, ҳокимлик ҳодимлари жамоаларда, маҳалаларда бўлиб кўпчиликни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб боришгадиган тадбирларни изчил амалга оширишда муҳим омил бўлапти. Ўтган йили аҳолига 254 тонна дон тарқатди. Хўжаликларга режадаги пахтанинг 15 фоизи ва режадан зиёд тайёрланган хом ашёнинг чигитидан мой тайёрланиб берилмоқда. Марказий қўрғонларда тегиримон, мойжувозлар ишлаб турибди.

Ғамхўрлик амалда бўлапти. Ишбилармонлар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Президент фармонларига асосан фермер хўжалиқларини ривожлантиряпмиз. Бултур 53 оилавий фермаларнинг аъзолари 178 тонна сут топиришга эришдилар. Жорий йилда бу кўрсаткич сезиларли даражада ортади. Фермерлар қўллаб-қувватлашга ҳам киришадилар. Улар етарли миқдорда озуқа тайёрлашлари учун 345 гектар ер ажратилган.

Одатда бугунгидек хурсандчилик кунларида инсон ўтмишга бир назар ташлайди, ҳаётини сарҳисоб қилади. Минг бор шукр қилсақ, фахрлансақ ярашади. Ўзбекистон ўз Конституцияси, байроғи, мадҳиясига эга бўлди. Келажакда буюк давлатни тобора кўпроқ чет эл мамлакатлари тан олиб, ҳамкорлигини ривожлантириб бормоқдалар. Президентимиз, ҳукуматимиз бозор муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, халқимиз илоҳий борича ахшироқ яшашини таъминлаш учун ҳеч нарсани аяшаётгани йўқ. Ижтимоий ғимоялаш мақсадларига сарфланаётган маблағларни ажратиб осон бўлмаётганлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Ислоҳ Абдуғаниевич ўз рисолаларида ўрнили таъкидлаганларидек, халқимизнинг истиқлолга муносиб кайфиятини, ишончини, ёруе кунларга алобатта этиб борамиз, деган умидини бир жойга тўпласак — шунинг ўзбек кучимизга кўч, гайратимизга гайрат қўшадилар, оғир синоаларни енгиб ўтишда бизга мадад беради.

Турджил ИСКАНДАРОВ, Жиззах вилояти Мирзачўл район ҳокимининг биринчи ўринбосари.



Ўлкамизда Наврўз. Бу гўзаллик, яратувчилик, баҳор фаслидир. Ота-боболаримизнинг ҳисобига янги йилнинг бошланиши ҳисобланади. Бу пайтда экин-тикин ишлари, авж олади. Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номи давлат хўжалиқининг «Соҳибкор» ширкати деҳқонлари ҳам баҳорги сабзавот экин ишларини бошлаб юбордилар.

СУРАТДА: сабзавоткор Шербобо Дуллаев билан қўшаник ёшлар кўмитаси хотаби Орзуқул Зокировлар қарам қўчталарини қўздан кечиряшмоқда.

У. ҚУШВОКОВ олган сурат.

ЯЙЛОВ БАҒРИДА

Бугун жаннатмакон ўлкамизда катта байрам. У ҳар жойда ўзгача тароват билан ўтади. Жумладан азим Сирдарё бўйларига буй кўрсатган ялғиз ва чучумалар заминга чирой бағишлаб, борлиқни, одамзотни байрам билан олқилайди. Чексиз эдилар, ам-яшил ўтлоқлар қишдан ҳориб чиққан йилки уюрини, сизир-бузоқ подесини, суруе-суруе қўз-экинларни бағрига олади. Жоноворларни табиат неъматидан баҳраманд этади. Ўз ва уюшчаларининг ақили маънавий дилларга хуш кайфият бағишлайди.


Дарҳақиқат, Наврўз қоравдор учун ҳам ниҳоятда эъзозли. Чунки мана шу улус кўнларда жаннат низоми — соғлиқлар қўзғилиди, сут қўлади, юрт бойлиғига бойлик қўшилади, жонлиқ сўйилади. Улкан қозонлар осилади. Ушбу аёйимни кўнглидагидек ўтказиш мақсадида тарафларини анча бурун бошлаган эдик. Хўжалик раҳбарлари, феоалари йилгилиш «маслаҳатлашдик».

— Наврўз бир кунда ўтандиган тадбир эмас, — дейишди йилгиланлар. — Уни катта тўйнинг дубочаси сифатида, ҳар томонлама тайёргарлик кўриб ўтказайлик.

Шунга амал қилиб тантаналар бутлургидан қара ранг-баранг, қизқарил бўлишига интидик. Жумладан, фермада барча қоравдорларни қўлашди. Турли таомлар пиширилди. 1993 йил биринчи қорав маррасини зобт этган пешкадам сизирсоғарлар, молбоқарлар рағбатлантирилади. Уларнинг гайратчиловти тўғрисида амалдаги йилнинг дастлабки икки ойида давлатга рўш ва сут сотиш режаси ортиқ билан уудаланди. Шу кўнларда ҳар сизирдан 7—8 килограммдан сут соғилаети. Мавжуд 550 қорав рацон асосида парвариланапти. Озуқа чехи ишлаб турибди, емиш парлантриб берилади. Бузоқларнинг кўнлик семирishi 500—600 граммни ташкил этмоқда. Ҳар йили ўзинидаги 40—50 бош наслдор гўнажини сизир қиламиз. Шу тариха суддан қолаётган гоминишлар ўрнини тўлдириб бораёламиз.

Тармоқнинг бошқа соҳалари ҳам доимий эътиборда. Чет элдан келтирилган инкубатор чехи ишлаб турибди. Район хўжалиқларини жуға билан таъминляпмиз. Бу ҳам хўжалигимизга ахшигина фойда келтиряпти. Ҳозир ўзинида мингта товуқ бор. Йил охиригача улар сонини камида беш мингтага етказамиз.

Уроэли ҲАЗРАТҚУЛОВ, Гўлистон районидаги «Бовут» жамоа хўжалиги бош зоотехниги.



Оталар — бизнинг бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Улар бор ердан файзу барак, тўқинлик аримайди. Нурунийлар муҳим ишларни амалга оширишда юртга бош-қош. Тўю тантаналар, маросимлар улар билан гўзал, кўркем. Зеро, Наврўз подиёналарини ҳам отахонларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

СУРАТДА: пири бадавлат отахонлар яхши ният билан дон сотишмоқда.

Р. АҚБАРАЛИЕВ олган сурат-назҳа.



НАВРЎЗ уйғониш, покланиш чоғидир. Ота-боболаримиз ораста кийиниб улус аймага пок ишлар билан қадим қўйишни одат қилишган. Биз эгзу анъанани ҳар соҳада янада ривожлантиришга бурчликимиз.

Шу муносабат билан баъзи мулоқазаларни баён қилмоқчиман. Ҳар йили бизда кўчат ўтказиш ойлиги ўтказилади. Икки-уч, ҳафта ичда кўп миқдорда нихоллар эканмиз. Афсуски, кейинчалик ўз иш-ишларининг натижаси билан қизқинмаймиз. Оқибатда биз экан нихолларнинг кўли сарфдон келиши билан қувуқ чўлғо айланиб қолади. Ҳар йили шу аҳвол...

Кўчат ўтказишдан мақсад шунчаки кўламазорлаштириш эмас. Дов-даракларнинг кўпайиши ҳозир мураккаблашган кетган экологик аҳволни яхшилашда муҳим омил бўлиши мумкин. Ҳолбуки, республикада ўрмонлар ва даракзорлар салмоғи кам бўлиб, бу экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар биз тоғларда ўрмонларни кўпайтирсак улар сув захираларини бойитади, ўлкамиз ҳавоси мусаффо бўлишини таъминлайди. Ҳозирча жумҳуриятимиз тоғларида мавжуд арчзорлар майдони 190,9 минг гектарга

етди. Лекин арчзорларнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бормоқда. Улар тағиди, ўт-ўланлар йўқ қилинмоқда. Нежада сув манбаларини сақлаш мушкуллашмоқда. Қаранг, 1 гектар арчзор 500 дан

2.005 йилгача 200 минг гектар ерга кўчат ўтказиш керак. Бу кўм кўчишининг олдини олади. Қум ва чўл минтақасини ўрмон билан тўйиш иккимиз ахшилайди, тупроқнинг унумдорлигини оширади. Тадқи-

қотларнинг кўрсатишича, озгина майдонда даракзор бунёд этилиши инсон ва ҳайвонот олами учун яхши шароитларни яхшилайди. Даракзорлар шомол, ҳароратни тартибга солиб тупроқ юзасидан сув бутланшини камайтиради. Жумладан даракзор билан ҳимояланган пахта далаларида сугориши биттага даракзор 30 гектар далаини ғимоя қилади. Бинобарин битта сугориш камайтиришга 1 гектар ҳисобига муқофаз даракзор 24 минг кубометр сувни тежаш имконини беради.

Урмонзорлар ҳимоясида парвариланаётган қишлоқ хўжалик экинлари учун қўлай иқлимий шароитлар юзага келеди, ҳосилдорлик ортади. Тупроқ унумдор бўлиб,

эрозияга учрамайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кенча ранг-баранг бўлса, экологик аҳвол шунчалик барқарорлашади.

Биз атроф муҳитини муқофаз қилиш, экологик аҳволни соғломлаштиришда туб бурилиш ясашга астойдил бел боғлайдиган бўлсак, сугориладиган майдонларда даракзорларни кўпайтиришимиз керак. Мамлакатимизда даракзор ерлар салмоғини 8—10 фоизга етказишимиз даркор. Ҳолбуки ҳозирча бу кўрсаткич 1 фоизга ҳам етмайди. Мақсадга эришиш учун қўшимча ер майдонларини излашга ҳожат йўқ. Ахир республикада тахминан 500 минг чакирим узунликдаги сув тармоқлари бўлиб, уларнинг 7—10 фоизини даракзор қилинган. Бундан ташқари минг-мингга чакиримга чўзилган шоме йўлларида бор. Агар сув шомеҳалари ва йўл тармоқлари чеккалари даракзорга айлантирилса, катта еру ушалади. Кўчат экин палласи бошланган ушбу Наврўз аёйидада масаланинг шу жиҳатларига эътиборини қаратайлик.

А. ҚАЙМОВ.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори.

ЖИЛВОН

ЖОЗИБАСИ

да заминнинг қайта яшаришидир. Шундан бўлса қаракки, инсонлар қадим-қадим замонлардан бери Наврўзни покнза рух, ўзгача шукх, ёруғ ният билан қаршилаганлар. Унга алоҳида тайёргарлик кўришган, маҳалла ва гузарлар ободонлаштирилган, ариқ-зовурлар, кўчалар тозаланган, боғроғлар саранжом-саришта тутилиб, гуллар экилган. Наврўзимиз яхшилар инюати билан яна халқ сайлига айланди. Умумхалқ байрами билан элимизга ҳурлик, меҳр-қўнбат, йимон-эътиқод, муқаддас қадриятлару анъаналар юртимизга қайтди. Наврўз яна йил боши, табиатнинг янгилиниши, экин-тикин ишларининг бошланишига даъват этувчи баҳор ва меҳнат байрами сифатида нишонлана бошлады.

Баҳор Жилвон чўли этакларига туташиб кетган бизнинг хўжалигимизга ўзгача чирой ва файзу тароват билан кириб келди. Эр-тигондан қўйишнинг заррин нурлари ам-яшил либосга бурканган қир-адиллар, боғроғлар, узра қумушдек товланади. Алвонлар қизгалдоқлар, чўл чеккаларидадан сахро ишлаб кетади. Қўларнинг шўх сайраси, сўпигўрайлар нағмаси, гулгача қирган бепеён боғларимиз чиройи дилга завқ бағишлайди, инсонни ялашга, янада самарали меҳнат қилишга даъват этади.

Ҳар тоғ ёруғ ният билан хўжалигимиз даладорини айланар эканман, кўнглим баҳорги гўзалликдан фахрланиш туйғусига тўлади. 60 гектар майдонда қўм-қўш бўлиб ишлаб турган қузи бурдой, илк бор гулга қирган мевазор боғроғлар, қузи уйқисидан уйғонаётган 200 гектарлик узумзор, 400 гектар пахта майдонига

боқиб республикамиз эртаси порлоқ бўлишига ишонаман. Чунки шунга яраша бизда умид ва ишонч бор. Икки йил олдин экилган қўчталар бугун гулга қирди, улус эртага улар эл дастурхонига ризқ-насиба, тўқинчилик, кут-барак бўлиб қўшилади. Яқиндагина қуш учса қаноти, олам юрса оёғи

по этилди. Ҳозир ҳам мева-ли кўчат ўтказиш, экин-тикин ишлари мадад суратда давом этмоқда. Баҳорги дала ишларида Н. Нарзуллаев, Б. Эргашев, И. Исломова бошлиқ бригада заршунослари пешқадамлик қилишмоқда.

Хўжалигимиз пахтакору соҳибкорлари 13—14 март кунлари Наврўз шарофига ўтказилган ҳашарда фаол иштирок этидилар. Ишлаб топилган маблагнинг бир қисми улус аллома Хожа Баҳауддин Нақибандий таваллудининг 675 йиллик тўйи ва Бухоронинг 2500

йиллик юбилейига тўхфа этилди. Қолгани аса хўжалигимиздаги кам даромадли, кўп болали оилаларга, ногирон ва қаровчиси қолган кишиларга, уруш ва меҳнат фахрийларига Наврўз совғаси сифатида тақдим этилади.

Хўжалигимизда Наврўз байрамини ўтказиш учун маҳсул комиссия иш олиб бормоқда. Умумхалқ байрами ҳар бир хонадонга фақат яхшилик, кут-барак, тўқин-сочинлик олиб кириши учун тадбирлар ишлаб чиқилди. Наврўз кунни Жилвон чўлимиз узра оммавий халқ сайли уюштирилди. Ҳар хил спорт ўйинлари, миллий томошалар, пазандчилик, чеварлик кўрик, мусобақалари ўтказилиб, халқимизнинг бой миллий анъаналари, ҳунармандчилик санъати намойиш этилади. Шу кунни дошқозонлар тўлиб сумалак — ҳалим каби Наврўз таомлари пиширилади. Хуллас байрам хуш хандонлик, севинч ва қувонч билан бошланади, муборак ҳайит кунига давом эттирилади.

Наврўз кунлари иқтисоди ночор оилаларга борилиб, хайриялар инъом этилади. Қариялар, бемору хасталардан ҳол-аҳвол сўралади. Уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий қўмак берилади, меҳнат илғорлари, ташаббускор соҳибкорлар, шерибона чўлқуварларга ҳам совғалар берилади.

Амрулло ТУХТАЕВ, Шифорик районидаги «Осиё» давлат хўжалиги раҳбари.

Мустақил, ҳур, ўзбекистон!

ҚУТЛУҒ АНЪАНА

Халқимизда «Олқин олган омондор» деган ҳикмати гап бор. Бу ўзбекларга хос меҳр-муруват, саховатпешалик, одамгарчилик каби инсоний фазилатлар туйғайи пайдо бўлган. Ана шу қутлуғ анъана минг йиллар бугунги кунда ҳам давом этаётган. Мустақил Ўзбекистонимиз қаддини тиклаб бораётган, бозор иқтисодиёти деб аталмиш қийин ўтиш даврида ҳам ор-номусли, инсоф-диққатли, хайр-саховатли раҳбарлар, жамоалар борлигидан қалбларимиз ҳувончиларга тўлади.

Нафақат Наманганда, балки собиқ Иттифокда ҳам ягона саналган Тўрақўрғондаги «Ширинлик» маданият асосан қуруқ мева-ларни қайта ишлашга ихти-сослашган. Бу қорхона таш-кил топондан бундан 72 йил отахон Абдуҳалил Дав-латов моҳирлик билан бош-чилик қилиб келипти.

Иссиқсув қунари бос-шидан кечирган, кўлаб фарзандлари тарбиялаган А. Давлатов табиятан юм-шук, ширинсуз, кишиларга меҳрибон инсон.

Шу боис у раҳбар бўл-ган жамоада ҳам ўзaro ҳам-жихатли, бир-бирига оқи-бат, иззат-иқом чуқур қар-ор топган. Район, вилоят, жумҳурият миқёсида бўладиган тадбирларда қор-хона ишчи-хизматчилари фаол қатнашадилар. Булар-нинг ҳаммаси айни пайтда эришилаётган муваффақия-ятлар омили бўлиб хизмат қилапти.

Наврўз республика-мизда кенг нишонланапти, — дейди Абдуҳалил Давлатов. — Бу халқ дилидаги энг катта хайрли тадбир бўлди. Зеро, мустақиллик белгиси ҳамдир. Вақтинчалик қи-йинчиликлар ҳадемай ўта-ди-кетди. Бироқ мана шу оғир дамларда бир-биримиз сиғинамиз. Наврўз баҳона унутилган удумлар янгича мазмунда қайта тикланапти. Шунинг қилмай бўладими бунга? Президентимизга раҳмат. Хар доим қаерда-қандай йилгида бўлма-син кам таъминланган оила-ларни, ёлғиз, муҳтож, но-гирон, уруш ва меҳнат қийинчилигини иктомий қи-моялашга эътибор қарат-

Абдунаби ҚОРАБОВЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

Баҳор келиши билан олам ўзгариб, боғ-роғлар гулга бур-канди. Қалблар меҳр-оқибатга ялмо-лим тўлди. Она табият-нинг бу бебаҳо тўғфасини кўриб дилларда покинани, яра-тиш ва янгилашни туйғуси ортқандан-орди.

Касби раёондаги «Ғалаба», Темур Малик жамоа ва «Наврўз» давлат хўжалиқларида бўлажак тантаналарга ҳозирлик қи-лаётган бўлди. Тантана кунини хилма-хил пиёриқлардан халойиқ баҳраманд бўлади. Қолаверса, улғайиб кетган «Нилуфар» боғчаси тарбиячиси Халима опа Нуруллоева ўз чанқовузи, «Ғалаба» жамоа хўжалиғи бригадари Мелиқул ана Жабборов ўз дўмбраси билан томошбинлар дилини кўшнуд айлади.

Наврўзнинг иссиқ нафасидан Низомий номли мактаб ўқи-тувчиси Анавар Шукров бошчилигида 10-синф ўқувчилари Нилуфар Полюнова ва Улғубек Бекқуловлар ўтқизган нил-лар илдиз отиб, япроқ ёзди.

СУРАТЛАРДА: район меҳнаткашлари ҳаётидан лавҳалар.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

Азиз биродарлар! Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан кейин-ги ўтган даврда жумҳурия-тиёз ҳаётида катта ижо-бий ўзгаришлар юз берди.

Республикамиз ўзининг биринчи Конституциясига эга бўлди. Унда Ўзбекис-тоннинг барча фуқаролари қатори деҳқонларнинг ҳам ҳуқуқ ва бурчи аниқ баён этилган.

Президентимиз Ислам Аб-дуганиевич Каримов таъ-кидлаганидек, қишлоқ мил-лий бойлигимизнинг муҳим манбаидир.

Деҳқончилик ва умуман қишлоқ хўжалиғига етакчи тармоқ сифатида қараб, қишлоқларни ободонлашти-риш, қишлоқда уй-жой ку-риш, томоғна бериш, аҳо-лини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш, пах-такорларнинг моддий ман-фаатдорлигини ошириш, халқнинг оқсоқиллигини сақлаш тадбирлари қатъий-лик билан амалга оширила-ётгани учун Президентимиз Ислам Каримовдан бени-ҳол миннатдоримиз ва у ки-ши юртайтаган сиебатини биз, пахтакорлар кўлаб-қувватлаймиз.

Бугунги пахтакорлар Кенгашида республикамиз деҳқончилигининг асосий экани ҳақида атрофлича фикр юритилди, пахтачи-лигининг долзарб муаммолари чуқур таҳлил қилинди.

Биз, республика пахта-корлари Кенгаши қатнаш-

чилири жумҳуриятнинг бар-ча пахтакорларига муурожа-ат қиламиз:

Биринчи галда инсонни боқадиган ерга меҳр қўй-лик. Деҳқон энди ўз ерига ўзи чинакам эгалик қилади. Ёрнинг унумдорлигини оши-ришнинг сиғналган усули — алмашлаб экишга қатъий риоя қилайлик. «Пахта-беда-ғалла» алмашлаб экиш жад-валига ҳамма жойда эри-шайлик. Бу сугориладиган майдонларда пахта ва бо-шоқли донни кескин кўпай-тиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ёрнинг унумдорлигини оширишнинг яна бир си-ғналган усули — уни ҳар бир далаининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда маҳал-ла ва минерал ўғитлар бил-лаб тўйдиришдир. Тўғи-компоств ва бошқа маҳаллий ўғитларни кўпроқ тайёр-лашга эришайлик. Минерал ўғитларнинг нархи ортиб кетган ҳозирги шароитда улардан оқилона фойдала-нишга эътиборни кучайти-райлик.

Уруғшунос ва селекцио-нерлар! Навдор уруғлик чи-гит етиштириш ва уни экишга тайёрлашда маҳор-ат кўрсатинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТАКОРЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ПАХТАКОРЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Бободехқонларимиз «са-га уруғ — ҳосил бўлиқ» деб бекорга айтишмаган. Уруғлик сифатини ошириш ҳисобига ҳосилдорлик кўпай-иши тажрибада исботлан-ган.

Экиладиган навларнинг сони ҳар бир хўжаликда биттадан, туманда ва вило-ятда кўп билан 2—3 тадан ошмаслигига эришайлик.

Деҳқончилик агротехни-касининг янги усулларидан бири чигитни пуштага экишдир. Пуштага экиш-нинг афзалликлари яхши ҳис-этан деҳқонлар бу усулни тобора кенг қўлла-моқдалар.

Уруғни қулай мундтадлар-да экиб, тупроқнинг ўз на-мига, қатқалоққа йўл қўй-масдан бир текис ундириб олиш катта ютуғимизнинг бошланғич бўлади. Униб чиққан нилларнинг парвар-ишларида интенсив техно-логиялардан кенг фойдала-найлик, қатор ораларига ишлов бериш сифатини оши-риш ҳисобига тракторлар-нинг далада ортиқча юри-шини камайтиришга эри-шайлик. Экинни ҳашарот-ларга едирмаслик қоралари-ни қўрайлик.

Сув — экиннинг қони ва

жони. Азиз сувчилар! Экин-га сувни ўз вақтида, маро-мида беришга эришайлик. Экин сувга қонса, ҳосил мўл бўлади. Сувни тежа-лашдан фан тасиялари, илғор-лар тажрибасидан кенг фой-даланайлик, томчилаб, эгит-ташлаб сугоришни жорий-этайлик. Бу бизнинг олди-мизда турган долзарб ва-зифалардан биридир.

Механизаторлар! Пахта-корларнинг асосий таянчи бўлган техникани экишга, ўзга парваришга, ҳосил йиғим-теримига барвақт тай-ёрлашга эришайлик. Ени-ла-ги ва мўйлаш материаллари-нинг ўрнинсиз сарфланишига йўл қўймайлик.

Қишлоқ хўжалик машина-созлари! Пахтачиликда фой-даланиладиган турли тех-никаларнинг сифатини, чи-дамчилигини, ихчамлиги ва далада ишлатишга қулайли-гини оширингиз! Пахтакор-ларга тақдим этадиган тех-никанинг ривожланган дав-латларникидан қолишма-син!

Пахта тозалаш саноати ҳодимлари! Деҳқон меҳнати-нинг пировард натижаси сизларнинг ишингизда қури-нади. Қайта ишлаш жор-

хоналарида тайёрланган то-ланинг сифати юқори бўл-са, дунё бозорига ва ички бозорда унга талаб ортади. Деҳқоннинг бойлиғига бой-лик қўйиш кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ.

Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган пахта-ни яхши сақлаб, ўз вақтида қайта ишлаб, тола ва уруғ-лик чигит сифатли бўлиши учун мавжуд имкониятлар-ни ишга тўла солингиз.

Олимлар! Пахтачиликда илмий-техника тараққиётини кенг жорий этиш, ишимиз-да самара берадиган янги-ликлардан фойдаланиш сиз-ларнинг тажрибалигизга бо-ғлиқ.

Чигитнинг янги, серҳо-сил навларини яратиб, экинлар парвариниш тақо-милаштириш, сувни те-жа-ш, ўза зараркунадалар-га қарши курашда инсон учун зарарсиз бўлган био-логик усулларни кенг қў-линиш, бу соҳада сизлар-дан умидимиз катта.

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат ком-плексини моддий техникавий таъминлаш техник қарор-дават-кооператив қўмита-

си қорхоналарининг хизмат-чилари! Қишлоқда техника хизматини ташкил этишда, пахтачилик соҳасини моддий техника воситалари билан ўз вақтида таъминлашда деҳ-қонларга ёрдам кўрсати-нгиз.

Қишлоқ иқтисодчилари! Бозор муносабатлари ша-ронитада қишлоқ меҳнаткаш-лари манфаатдорлигини ошириш сизларга боғлиқ. Ижарачилар, оилавий ва жамоа пудрати асосида иш-ловчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда, уларни рағбатлан-тиришда сизларнинг ҳисоб-китобингиз ўз вақтида, аниқ бўлиши керак. Меҳнати натижасидан манфаат кўр-ган пахтакорларнинг оиласи тўқ бўлади. Деҳқон тўқ бўл-са, бутун республика бадав-лат бўлади.

Қадри дўстлар! Наврўз яқинлашмоқда. Кўп йиллар унут бўлиб қайта тугилган аънавий Наврўзни нишон-лаш биланон «оқ олтин» уруғини ерга қалашга кири-шамиз, қийналаётган саҳо-ватли Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

Янги деҳқончилик йилида сизларга мустақим соғлиқ-саломатлик, яхши кайфият, хиромонингизга барака ти-лаймиз.

Республикамиз деҳқончи-лигининг асосий экани — пахта етиштиришнинг ривож-лантиришда сизларга худо ёр бўлсин.

МАҲАЛЛА КҮРИК-ТАНЛОВИ

МУСТАҚИЛИК туйғайи ўзбек халқи қадимий Наврўзни қайта нишонлаб бахтиг мушарраф бўл-ди. Мана, икки йилдирки, у умумхалқ шодиёна сифа-тида нишонланаётган. Ўзбекистон Республикаси Президе-нти Ислам Каримов фармонида мувофиқ ташкил тошган жумҳурият «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам улуг байрамга ўз ҳиссасини қўймоқда.

Жамғармаимиз тарихан таркиб тошган миллий ва ма-навий қадриятларимизни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ-этиш, ривожлантириш мақсадида республика маҳалла-лари орасида 1993 йил Наврўз байрами кўрик-танловини ўтказишни лозим топди.

Бу муҳим тадбирни муваффақиятли олиб бориш ва яқунлаш учун Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, профессор Шукур Тему-ров бошчилигида марказий ҳакамлар ҳайъати тўзиди. Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам шундай ҳакамлар бўлади.

«Наврўз-93» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад Пре-зидентимиз И. А. Каримовнинг маҳалла қўниталари фа-олиятига катта аҳамият бериб, уларнинг ишларини ри-вожлантириш юзасидан кўрсатилган таъминотни жа-вобан ибратли тадбирларни амалга ошираётган маҳал-лаларни аниқлашдан иборат. Бунда ниямларга эътибор қаратилади?

Авалло маҳалла идораси, миллий чойхонаси қандай жиҳозланганлиги, маданий-маърифий тадбирлар — суҳ-батлар, учрашувлар қандай ташкил этилаётганлиги ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ниобатда олинади. Қола-верса, маҳалла кўркемчилиги, ободончилиги, яъни ҳовли-лар, кўчаларнинг тозаллиги, кўчаларзорлаштирилиши, йўл-йўлкалар ва сугориш шаҳобчаларининг аҳоли, сув тар-моқлари, электр ёриткичлар билан таъминлаши, телефо-лаштирилгани кўздан кечирилади.

Шунингдек, оилалар барқарорлиги ва мустаҳкамлиги, қўни-қўшни, маҳалла-қўй билан боғлиқ қадимий удум-лар, анъаналарни тиклаш, ҳаётга жорий этиш борасидаги ибратли ишлари ҳам ҳисобда бўлади. Маҳалла қўмита-сининг ишлари маҳалла муҳаббат, одамийлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлари, қонунобузарлик, жиноят-чиликка қарши кураш тадбирлари, оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлиги соҳасидаги амалий фаолияти ҳам кўрик-тан-лов шартларида ҳисобланади.

Бундан ташқари тўй, маърака ва маросимларни кам-харж, исрофгарчиликсиз ва оқилона ўтказиш, миллат-лараро биродарлиқни мустаҳкамлаш, яхши қўни-қўшни-чилик муносабатлари, дўстлик анъаналарини амалга оши-риш, умумбашарий удумлар ва урф-одатларини тарғиб-таъшиқ қилиш, маҳалладаги ёрдамга муҳтож кўп бола-ни ва ёлғиз оилалар, ногиронлар, фахрийлар, етим-есир-ларга муруват, саховат кўрсатиш ишлари ҳакамлар ҳайъати эътиборида бўлади.

Умумхалқ ҳашарлари ва уларда маҳалла аҳлининг иш-тироки, миллий байрам-сайилларини ўтказишдаги фаол-лиги, маданий дам олишни ташкил этиш, болалар ва ў-мирлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш, маҳалла аҳолисининг меҳнат фаолияти, ишчиларини ишга жой-лаштириш, хайрия жамғармасини ташкил этиш, бойи-тиш, қўмитанинг касб-хуна, савдо-сотиқ ва маънавий хиз-мат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти ҳам тавлов шартларида қиради.

«Наврўз-93» кўрик-танловини яқини ҳақидаги маълумот-лар шу йил 30 апрелгача маҳаллий ҳакамларга, 10 май-гача эса марказий ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади, у 31 майда яқунланади. Ғолибларни 100.000, 75.000 ва 50.000 сўмлик учта мукофот кутмоқда. Кўрик-танловга тақдим этилган, лекин соғирлиқ ўринларини эгаллай ол-маган маҳалла қўмиталари жамғарманинг жойлардаги бўлимлари томонидан рағбатлантирилади.

Неъматулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг муовини.

ШОДИЁНА КУН

Каттақўрғондаги Мирзо завоат, эсдалик совғалари Улғубек номли ёр-моё қорхо-насида ҳам 19 мартда танта-налар бўлиб ўтди. Наврўзга бағишланган ҳашарда «Нав-рўз» жамғармасига 110 минг сўм пул ўтказилди. Шодиёна кунини ишчиларга 1.000 сўмдан пул, совғалар берилди. Шу-нингдек, қорхонада меҳнат қилиб, эндиликда қорлик ра-гаштини сураётган 380 фех-рийнинг аҳолидан ҳабар олиши, Уларга ёғ, мева-саб-

Т. ЕРҚУЛОВ.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИ КЕНГАШИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ДИЛ МУДДАОСИ



Язон ХАЙИТКУЛОВ — Денов туманидаги Ислам Тўраев номли жамоа хўжалиғи бошқаруви раиси.

Хўжалигимиз асосан пах-тачиликка ихтисослашган бўлсада, дон етиштиришга ҳам йил сайин катта эъти-бор беришимиз. Чунки ғалла ҳаммамизнинг риқ-рўзимиз, тўқинлигини бошидир. Шу-нинг учун ҳам бошоқли экинлар ва маккажўхори тайёрлашни илҳом борица кўпайтириб бориш доимо диққат марказимизда.

Ўтган йили 141 гектар ерда бугдой ўстирдик. Ми-ришкор ғаллакорлар қаро-вонини ўрнига қўйганликлар учун ҳосил мўл бўлди. Хар гектар ердан 44,3 центнердан хирмон кўтарилди. Дон учун экинган 72 гектар маккажўхоридан гектарига 55 центнердан сара дон йи-штириб олдик.

Бу йил ғаллазорлар яна-да кенгайди. Кузда 174 гек-тар майдонга уруғ сепил-ганди. Бу ерлар бир неча марта озиклантирилди. Шу-нинг учун ҳам экин ривож-

яхши. Бугдой майсалари ёппасига пайдаланган бўлди. Янгида мутахассисларимиз ғаллазорлардаги ўсимлик ҳолатини ўрганиб, ўтган йилдан яхши, деган ҳуло-сага келишди. Уларнинг фикрича, бу йил ҳосилдор-лигини 50 центнерга бема-лол етказиш мумкин.

Колхозимиз аъзолари-нинг кўпчилиги томоғна-ларига ғалла экишди. Биз бундай кишиларга техника, ўғит, транспортдан ёрдам беришимиз. Томоғнасига ғал-ла экинлар оилаларини унга бўлган эҳтиёжини тў-ла қондирмоқда. Бундан ташқари чорва молларига ҳам емил етарли бўлаётган. Айрим оилалар ортиқча буг-дойини сотиб, даромад ҳам кўрмоқда.

Шу туйғайи ҳам қўшим-ча томоғнасига ғалла эки-чилар тобора кўпайиб бори-пти. Ўтган йили 400 хо-надон ғалла экинган бўлса, унинг фойдали эканлиги-ни кўрган 700 дан зиёд хо-надон ерларида ҳозир буг-дой барқ уриб ўсаяпти. Де-мак, дон хирмонларимиз янада улкан бўлиб, эл наси-баси бутун бўлади.

Хўжалигимизда ўзлашти-рилган ер йўқ. Шунинг учун биз экинлар ҳосилдор-лигини кўтариш орқали мақсадга эришишни кўзла-яймиз. Ғаллазорларни кў-пайтириш бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳи-собиға бўлаётган. Ўтган йи-ли хар гектар ердан 32 центнер пахта йиштириб олган бўлсак, бу йил ҳо-силдорлигини 34 центнерга кўпайтиришни мўжжаалаймиз. Шу йўл билан ғалла майдонларини кенгайтирдик.

Аммо биз дон етишти-ришни кўпайтиришни май-донлар ҳажминини кенгайти-риш ҳисобига эмас, балки тармоқда истиқболли, сер-ҳосил навларни экиш, иш-ла им-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, агротех-ника тадбирларини ўз вақ-тида сифатли ўтказиш ҳисо-бига ҳам кўпайтиришга ҳа-ракат қилаймиз. Айни кун-ларда барқ уриб ўсаятган экинлар шу хатти-ҳаракат-ларимиз натижаси десам хато қилмаган бўламан.



Ортиқбой ХАМРОҚУЛОВ — Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиғи ғаллачилик бригадаси бошқиси.

— Қорин тўқ бўлса, қў-шиқ ярашадиган, дейишди. Ҳақ гап. Ана шу тўқинлик-нинг асоси нондир. Халқи-миз нонни доимо эъзозла-ган, уни етиштирувчи деҳ-қонни бошига қўйиб ҳурмат-лаган. Шунинг учун ҳам мен ғаллакор бўлганлигим билан фахрланаман. Кўп йиллик тажрибамдан

билишимча, инсон касбини севса, ардоқласа кўп нарсаларга эришиши мумкин экан. Бунинг ғаллачилик бри-гадаси фаолиятида яққол кўрсатилди. Жамоамиз ўз касбига меҳр қўйган зах-маткаш, ҳалол кишилардан ташкил топган. Уларнинг фидокорона меҳнати ту-файли ўтган йили 65 гектар ғаллазорининг хар гектаридан 52 центнердан дон йиғи-тириб олинди.

Бу йилги режамиз бул-тургидан юқори. Гектар бошига 55 центнердан ҳосил олишни мўжжаалаб туриб-миз. Бунга асос бор. Чунки кўпгина пудрати бригада-лар ўтган йилги қийин об-хаво шароитида ҳам юқори натижани кўлга киритишди. Масалан, Тожидил Салмо-нов бошчи оилавий пудрат-чилик 12 гектар ерга ғалла экиб, гектаридан 55 цент-нердан сара дон топқирди-лар.

Бизда илгорларнинг бу-гунги ютуғи эртага барча-мизнинг марраимизга айлан-иш қоидага айланди. Брига-миз миришкорлари кузда пахтадан бўшган ерларга ноябр ойи бошларида буг-дой экишганди. Ерга уруғ бироз кейин тушган бўл-сада ишни илгорлар тажри-баси асосида олиб бордик. Кетма-кет сифатли озикла-нтирилган майдонларда тез орада майсалар ҳосил бўл-ди. Мавридан келганда қиш-да ҳам экин парварини да-вом эттирдик. Шу туйғай-ли ҳам барча майдонларда-ги ўсимлик бўлиқ, дурқун. Ғаллазорлар кенгашининг ўтказилиши бизларга катта наф берди. Тажрибаларни

ўртоқлашдик. Мавжуд му-аммоларни бартараф этиш йўллари келишиб олдик. Бу учрашув исзис кетмайди, албатта. Тармоқни жадал ривожлантириб, риқ-рўзи-миз бўлган донни янада кў-пайтиришга ёрдам беради, деб ўйлайман.



Абдуҳалим НУРМОНОВ — Советобод туманидаги «Каттақўрғон» давлат хўжалиғи комбайнчиси.

— Хўжалигимиз асосан далами ерларда ғалла ети-штирилади. Бизнинг 4-бўлими-мизда 4,5 минг гектар ерда бебаҳо неъмат—дон ўсти-рилади. Ўтган йили ёғин-гарчилик кўнгиладиган бўлганлиги туйғайи далами ерларда гектар бошига 17—18 центнердан дон йиғиб олинганга эришдик.

Мен бир неча йилдан ке-лири механизаторлик қи-лам. Ғаллани экиш, озик-лантириш ва ҳосилни ўриб-ячи олишда иштирок эта-ман. Ўтган йили бўлимимиз

ғаллакорлари астойдил иш-лашди. Шунга яраша хир-монимиз ҳам, даромадимиз ҳам баракали бўлди. Мен 800 гектар ердаги ғаллани ўриб-ячиб бердим. Йиллик даромадим 200 минг сўмдан ошиб кетди. Бундан ташқа-ри 2,5 тонна бугдой, 1,5 тонна арпа олдим.

Бу йилги режамиз катта. Кузда экинган майдонларда-ги ўсимлик ривожидан кўз яшнайди. Демак, хирмони-миз ўтган йилдагидан ортиқ бўлса бўладики, кам бўл-майди.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳим бир муаммо тўғри-сида айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, бизнинг Ўзе-бекистон шароитида далами ердан олинадиган ҳосил асо-сан об-хавога боғлиқ. Ёғин-гарчилик бўлса яхши. Аммо йил қуруқ келса-чи? Экан бугдойимизни ҳам ололмай қолишимиз мумкин.

Шу ўринда мен олим ва мутахассислардан илтимо-сим шуки, улар далами ер-лар учун сувий сугориш техникасини кўпроқ яра-тишса. Саноатчилар эса уни тезроқ ишлаб чиқаршса. Агар ана шу муаммо ҳал этилгудек бўлса, қўшимча тонна тонна бугдойини кўп етиштириш имкониятига эга бўлардик. Бу халқимизнинг бугдойга бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондирарди. Демак, чет эл-дан «дон учун сарфланаёт-ган валюта маҳаллари те-жаларди.

Сухбатдош:

Каримжон РИХСИЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 21.00.